

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 1 (7030)
2000 йил 6 январь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

- Она, аввало номзодингиз Олий Мажлисга ўтганлиги билан табриклаймиз.

- Раҳмат.

- Юртбошимиз янги 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилдилар. Бу эса "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси олдига янада янги-янги вазифаларни қўяди. Шундай эмасми?

- Ҳа, албатта. Ватанимиз истиқлолга эришганидан бошлаб ёш авлодга катта эътибор берилаяпти. Бизнинг жамғармами ҳам мустақиллигимизнинг илк дамларидан ўз фаолиятини бошлади.

Асосий вазифамиз келгуси авлод соғлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар маънавиятини ривожлантириш, уларнинг маданий ва жисмоний камолоти, бир сўз билан айтганда ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашга қаратилгандир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш соҳасида БМТ нинг халқаро ташкилотлари, хорижий мамлакатларнинг бошқа халқаро ташкилотлари ва фан, иқтисодиёт, сиёсатнинг етакчи арбоблари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг инсонпарварлик ёрдами ортилган самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Самолётда умумий қиймати беш миллион долларга тенг бўлган дори-дармон, тиббиёт ускуналари, болалар озиқ-овқати, санитария-гигиена буюмлари келтирилди.

Кейинги йилларда "Амери-Керс" жамғармаси томонидан юборилган учинчи самолётдир. Бу жамғарма бизнинг жамғармамиз фаолиятига юқори баҳо берди. Шу билан бирга инсонпарварлик дастурини давом эттириш ҳақидаги таклиф хатини ҳам олдик.

Келтирилган маҳсулотларнинг бир қисми пойтахт ва вилоят даволаш масканларига, болалар муассасаларига қолган қисми кам таъминланган

Шотландияда янги йил кечаси бир-бирлариникига меҳмонга борадиган фуқаролар албатта қўлларида бир парча кўмир олиб борадилар. Бунга сабаб, янги йил мобайнида шу хонадонда кўмир ёниб турсин. Хонадондаги илиқлик ва ёруғлик ҳеч ҳам ўчмасин.



Янги йил муборак

«Соғлом авлод учун» халқаро ҳукуматга қарашли бўлмаган хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, таҳрир хайъати аъзоси Гулноза Йўлдошева билан суҳбат.

оилаларга берилади. Мана шундай ҳамкорлик Ўзбекистон-Америка орасидаги ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

- Биз фарзандларимизни қанчалик асраб-авайламайлик, афсуски болалар ўлими юз бериб турибди. Айтингчи, сиз раҳбарлик қилаётган жамғарма бу борада қандай ишларни амалга ошираяпти?

- Янги туғилган чақалоқларни ёппасига мажбурий текширувдан ўтказиш ёрдамида туғма касалликлар чақалоқнинг дастлабки кунлариданоқ аниқланиб даволанаяпти. Шу билан бирга "Она ва бола скрининги" дастури амалга ошмоқда.

Чақалоқ соғлом туғилади, қанчки она соғлом бўлса. Қизларимиз ёшлик даврлариданоқ ўз соғлиқларини эҳтиёт қилсалар айни муддао бўларди.

- Болалар орасида кўп табдирлар ҳам ўтказиб келаяпсизлар. Ушбу табдирлар болажонларимизни янада олға интилишга чорлайди. Тўғрими?

- Ўтказиладиган ҳар бир кўрик-

танловлар ўқувчиларга олам-олам қувонч олиб келиши шубҳасиз. Биз ҳам ёш авлодни ақлий, жисмоний ва маънавий камол топтириш мақсадида истеъдодли болаларни қўллаб-қувватлаш комплекс дастурини амалга ошираяпмиз. Бу дастур кенг қамровли табдирлар, фестиваллар, спорт мусобақалари, халқаро кўргазмаларни ташкил этишни назарда тутди. Жумладан, жамғармамиз Бадий Академияси ва Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпус вакиллари билан аънавий равишда республикамиз ҳудудидаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар орасида "Камалак жилоси" танлов кўриги ўтказилиб келинаёпти. Танловда иштирок этган ҳар бир болага жамғарманинг махсус совринлари тақдим этилади. Маданият ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда мусиқий билим юртлари талабалар орасида классик мусиқаси бўйича "Санъат гунчалари" кўрик танлови, Халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда "Жозибатор табассум", 2-синф ўқувчилари орасида расмлар танлови ўтказилиб келинаёпти. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиа-

компанияси, "Ўзбеккосмос" агентлиги, "Коинот" бирлашмаси билан биргаликда Халқаро болалар аэрокосмик мактабининг аълочи ўқувчиларига жамғарманинг совринлари билан рағбатлантирилаяпти. Бундан ташқари рус мактабларида она тилимизга, қадриятларимизга бўлган ҳурмат, халқ достонлари, эртақларни тарғиб этиш мақсадида "Жонли тил" телетанлови ўтказилаяпти. Бу каби табдирларни кўп табдирларимиз мумкин. Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз фарзандларимизнинг бўш вақтларини унумли ўтказишга, уларни ҳар томонлама етук инсон бўлишларига кўмаклашидир.

- Суҳбатимиз "Тонг юлдузи" газетаси орқали республикамизнинг турли бурчақларига етиб боради. Ўша қора кўзларга тилақларингиз.

- Мен XXI аср фарзандларини билимдон, доно, ўз фикрига эга бўлган инсонни кўз олдимга келтираман. Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили дейилишида катта маъно бор. Нафақат соғлом, бақув-



ват, балки унинг фикри, маънавияти соғлом бўлиши керак. Бунинг учун эса барча берилган кенг имкониятлардан тўғри фойдалана олишлари шарт. Уларга ҳамшиша омонлик, юртимизга тинчлик тилайман.

Янги йилимиз - Соғлом авлод йили барчамизга муборак бўлсин!

Феруза ОДИЛОВА
суҳбатлашди.

УСТОЗ ОҚ ЙЎЛ ТИЛАЙДИ

Гулноза ўзининг қалб кечинмаларини шеърга солиб қуйлашга интилаётган ўқувчи. Бу қизнинг поэтик машқларни кўздан кечирар эканмиз, бир қарашда уларда фикрий учқурлик ва ҳис-ҳаяжон намоён эканлигига шохид бўлдик. Шеърят мафтунаси энди 7-синфда ўқиётган бўлса ҳам катта ижодкорлар каби теран фикрлайди. Аълочи ва ижодкор ўқувчим Гулнозага назм гулшанига оқ йўл тилаб, мухлисларига унинг номидан янги ашъорлар ваъда қилиб қоламиз.

Азиза ОЧИЛОВА,
Каттақўرғон туманидаги
17-мактаб ўқитувчиси

БОБОМ ҚУРДИРГАН МАКТАБ

Ер юзиде янги йилни кутиб оладиган худуд бирон-бир йирик давлат деб ўйласангиз керак. Янглишдингиз, чунки бу ер кичкинагина - Чукоткадир. Янги йил биринчи бўлиб айнан мана шу худудга кириб келади.

Ўзингиз беринг баҳо.
Мактабимиз ёқади,
Сизга дўстлар албатта,
Бир келсангиз бўламиз,
Кун билан хизматда.

Гулноза ЭШОНОВА,
9-синф ўқувчиси

Кеча мактабимизда
Арча байрами қилдик.
Унинг кук шохларига,
Ўйинчоқларни илдик.


Даврамизга Қорбобо,
Қорқизни бошлаб келди.

Улар бизга жуда кўп,
Соғиналар улашдилар.
Сўнг биз билан бирга,
Қўнашиб, кулишдилар.

Мактабимиз биносин,
Орзу бобом қурдирган.
Ҳовлисига ранг-баранг,
Гўзал гуллар ундирган.

Синфлар, кўркем, кендир,
Гуллар бор, тоза ҳаво.
Бизга меҳмон бўлинг-у,

Ўшаник, дераза ва ишлар,
Безакларга лиқ тўлди.



Болажонлар, мана 2000 йилни ҳам кутиб олдик. Ўтган йилимиз эса тарих варақларига битилди. Сиз-у, биз яна бир ёшга улғайдик. Янги йил байрами муносабати билан барча мактабларда арча байрамлари, карнаваллар бўлиб ўтмоқда. Янги йилда ҳамма бир-бирларига яхши тилаклари билан бирга байрам совғалари ҳам улашишди. Куйида баъзи ўқувчилар ота-оналарига байрамда нима совға қилишгани ҳақида ёзишибди. Сиз ҳам бир ўқиб кўринг-а!

Саодат МИРОБИДОВА,
Юқори Чирчиқ туманидаги
10-ўрта мактабнинг 9-синф
ўқувчиси:

-Мен байрамларнинг ичида Янги йилни жуда ҳам яхши кўраман. Чунки уйимизда чинакамига тўй бўлад. Янги йил куни акаларим, жиянларим, хуллас, ҳаммамиз бир дастурхон атрофига йиғиламиз. Мен бу йил пазандачилик курсини тугатдим. Байрамга катта торт пиширдим, атрофини шамлар билан безадим. Пиширган тортим ҳаммага ёқди.

Хасан-Хусан ХУЖАЕВЛАР,
7-синф ўқувчилари:

-Бизни синфда «тўполончи болалар» дейишади. Ўқув йили бошидан то тугагунча ойижоним мактабга келиб, бизнинг устимиздан бўладиган шикоятларни эшитиб кетдилар. Аслида, унақа тўполончимасмиз... Баъзида шўхлик қиламиз, деймиз-у, қилган шўхлигимизнинг орқасидан ойижонимга, раҳбаримизга гап эшиттириб кўямиз. Биз Янги йил арафасида энди ҳеч қачон тўполон қилмаймиз, деб сўз бердик. Ойижонимизга эса чиройли гулдаста, дадажонимизга галстук совға қилдик.

БАЙРАМГА ЭНГ ЯХШИ СОВҒА



Саломатхон ОРИПОВА,
9-синф ўқувчиси:

-Биз оилада 6 та фарзандмиз. Шуларнинг энг кенжасиман. Янги йилда ойижонимга нима совға қилсамикин, деб роса ўйладим. Ўқув йили бошидан «Моҳир қўллар» тўғарагига қатнашиб келаман. Унда бизга фартук, халат, болаларнинг турли кийимларини тикишни ўргатишганди. Катта опам билан биргаликда ойижоним учун халат ва фартук тикдик. Байрам куни улар биз тиккан халатни кийдилар. Уларга бирам ярашдики... Уларнинг хурсандчилигини кўриб, биз ҳам беҳад қувондик.

Зилола МАНСУРОВА,
8-синф ўқувчиси:

-Байрамга энг яхши совға - бизнинг яхши ўқишимиз, яхши ху-

лқимиз бўлса керак, деб ўйлайман. Мен иккала чоракда ҳам баҳоларимни «аъло» бўлишига интилдим. Менинг яхши ўқишим, дадажоним ва ойижонимга энг яхши совға бўлса керак. Бундан ташқари, барча-барчани Янги йил билан табриклайман. Янги йил барчага қувонч, омад келтирсин.

Фуломжон ХОЖИЕВ,
7-синф ўқувчиси:

-Байрамга совғани мендан олдин дадажоним ва ойижоним тайёрлаб қўйишган экан. Янги йил куни улар менга «Тонг юлдузи»га бир йиллик обуна бўлганлигим ҳақида айтишди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Чунки энди бир йил мобайнида мазкур газетадаги мақола ва шеърларни мазза қилиб ўқий-

диган бўлдим. Мен ҳам уларга муносиб совға тайёрлаб қўйгандим: ўз кўлим билан чизган портретимни совға қилдим. Совға уларга жуда ёқди.

Абдулазиз ИБРАГИМОВ,
Зангиота туманидаги 12-ўрта
мактабнинг 2-синф ўқувчиси:

-Мен кўпроқ спортга қизиқаман. Бўш вақтларимда шашка, футбол ўйнашни яхши кўраман. Янги йил байрамига ойим ва дадажонимга ўзим ясаган откриткаларни табриклайдим. Ойижоним бундан хурсанд бўлиб, пешонамдан ўпиб қўйдилар. Яна уларга Арча ҳақида ёд олган шеъримни ҳам айтиб бердим. Эҳ, қани, ҳар куни байрам бўлса!

Даврон ЭРГАШЕВ, Миробод
туманидаги 60-ўрта мактаб
ўқувчиси:

-Мактабимизда Амалий санъат тўғараги бор. Ўқувчилар йил бошида ёзилишганда, мен унчалик эътибор бермагандим. Кейинчалик, улар ясаётган сувенирлар, сунъий гулларни кўриб, ҳавасим келди. Ва мен ҳам тўғарак аъзоси бўлдим. Янги йилда ойижоним ва дадажонимга ўзим ясаган сувенирларни совға қилдим.

Феруза, Паркент туманидаги 27-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

-Мен бу чоракни «аъло» баҳоларга битирдим. Оилада беш фарзандмиз. Янги йилга ойим ва дадажонимга нима совға қилиш ҳақида роса бош қотирдик. Охири ўйлаб топдик. Биз акам, синглим Нодира бирга бўлиб, уларга атаб қоғоз ва матолардан гуллар ясадик. Иштиёқ билан қилган гулларимиз жуда ҳам чиройли чиқди.

Озода ТУРСУНБОЕВА
тайёрлади.

-Ойижон, қаранг, осмон жуда чиройли-я...

Қизимнинг ҳайрат тўла кўзлари осмонда эди-ю тавба, шу лаҳзада осмон Севинчим айтганидек, жуда ҳам чиройли эди. Мен уни биринчи марта кўраётгандек, узоқ термулиб қолдим. -Ойижон, қаранг, булутларни... музқаймоққа ўхшайди-а... Унинг ўхшатишлари менга ҳам ёқди. Ҳамон кўзларини осмондан узолмаётган қизалоқнинг беғубор юрагини эшитиб турардим. Унинг дукурлаши тонг каби мусаффо эди. -Ойижон, одамнинг сочи нега оқаради? Ҳали жавоб бериб улгурмасимдан қизалоғим яна саволларини қалаштириб ташлайди. -Ойижон, Ислом Каримов бобомизни сочлари нима учун оппоқ? -Нега кеча телевизорда гапирганларида хафа эдилар? -Ойижон, кечадан бери йиғлагим келяпти.

Ҳали етти ёшга тўлмай туриб бобосининг эрта оқарган сочла-

ОСМОН ЖУДА ЧИРОЙЛИ

ридан ниманидир англаб, ойнаи жаҳонда хафа кўрганлигидан йиғлагиси келаётган қизалоғимни бағримга босиб йиғлагим келди. Йўлда келяпмиз-у юрагим Севинчининг саволларига жавоб излаш билан овора эди. Э, қизалоғим-а, гапирганим билан тушунармикансан, тушунтира олармиканман? Миттигина юрагингни изтиробларига малҳам бўла олармикан менинг жавобларим... Эсим-



да, 16 февраль куни телевизор кўриб ўтириб, менга қўшилиб Сен ҳам йиғлаган эдинг, ўшанда. Ватанфуршларни ойнаи-жаҳон орқали кўрсатишганда эса нафрат тўла нигоҳларингни олиб қочган эдинг. Ва катта одамлар каби: -Ада-

жон, булар ҳам Ўзбекистонликми? -дея сўраган эдинг. Аданг ғамга тўла нигоҳларини сендан олиб қочган эдилар. Қизалоғим, Президентимизнинг сочлари ана ўшанда оқарган эди. дейишимни

Сайлов

биламан, "Вой, буй менга ҳали ўн йил бор экан-да", -деди кичкина эканлигидан ўксиниб... Жавоҳир ҳам, Севинч ҳам Президент бобосини худди катталардек яхши кўради. Биз болалик йилларимизда нари борса ойнаи-жаҳон орқали рус тилида бериладиган мультфильмларни гарчи тушунмасак ҳам томоша қилардик. Инглиз тилини ўрганиш қаёқда дейсиз? Энди бўлса истиклол, озодлик тафтида улғаяётган болаларимиз инглиз тилидаги киноларни ўзбек тилига таржима қилиб бермоқдалар, бизни эса тил билмаслигимиздан ҳайратдалар? 9 Январь -Ўзбекистон Президентлигига сайлов бўладиган кун. Биз ҳам шу куни фахр ва ифтихор билан бахтиёр фарзандларимиз билан бирга овоз берамиз. Бу-порлоқ келажакка берилган овоздир

ХАЙР, «АЛИФБЕ»

Мактаб зали байрамона безатилган. Ҳамма хурсанд. Айниқса, 1-синф ўқувчиларининг шодликлари чексиз. Чунки улар «Алифбе»ни тугатиб «Саводхонлик байрами»ни ўтказмоқдалар.

Яқиндагина Гулчеҳра ўқувчи бўлиб устозлари Ораста Умарова билан биргаликда «Алифбе» байрамида иштирок этганди. Энди эса у ўзи ўқиган мактабда 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси. Ўқувчилари атрофида парвона.

1-«А» синф ўқувчилари инглиз тилига чуқурлаштирилган синф бўлгани учун инглизча шеърлар ҳам ёдланди.

«Саводхонлик байрами» болаларнинг ўз билимларини кўшиқ ва рақсларида намойиш этиш соатлари ҳам бўлди. Айниқса, Ватанга, Она-юртга муҳаббат ҳақидаги шеърларни ифодали айтганликлари учун айрим болалар чиндан-да олқиш олдилар. Байрам-байрамга уланиб, Қорбобо ва Қорқиз, ўрмон меҳмонлари ҳам совғалар билан ташриф буюрдилар. Ўйин-кулгу узоқ давом этди.

Тошкент вилояти, Зангиота тумани Фатхулло Пулатов номли 36-мактабда бундай тадбирларни ўтказиш анъанага айланган. Ҳар бир байрам катта тайёргарлик билан ўтади. Ҳаммангизни янги йилга тақлиф этамиз!

Гавҳар ҚУЧҚОРОВА.

БАЛИҚ ХАФА БУЛАДИ

Дадам кўп йиллар мактабда дарс берганлари сабаб, чарчоқларини ёзиш мақсадида балиқ овини қанда қилмасди. Хуллас, энг сеvimли машғулоти-Балиқ ови эди. Кунлардан бир кунни тўрт ёшли жияним Шаҳриёр билан балиқ овига борибди. Бироз фурсат ўтиб, иккита балиқ қармоққа илинибди. Шаҳриёр пақирчада ўз ўзини уёқ-буёққа уриб, сузаётган икки дона балиқча рақсидан роса завқлар эмиш. Ҳар бир сўзини орасида «буважон, балиқчалар ўз-ўзимга-а», деб кўярмиш, дадам бўлса, сўзамол. Гапдон набирасига меҳр-ла боқиб, албатта ўғлим, қанча балиқ тутсақ, барчаси сизники, -деб ўз ишида давом этибди. Бир пайт даданинг яқин дўсти Кўшмурод амаки келиб, «овчилар» билан ҳол-аҳвол сўрашишибди. Амаки бола кўнглини синаш мақсадида-ми, Шаҳриёрни обдон гапга тута бошлабди: «Шаҳриёр, ўғлим, иккита балиқ тутибсизлар, битта балиқчангни менга берсанг, набирамга олиб кетардим», -дебди дадамга кўзини қисиб. Шунда Шаҳриёр бир пақирчадаги балиқча, бир дадамга қараб: «Майли, мен битта балигимни сизга берардим. Лекин, битта балигим кетиб қолса, иккинчи балигим хафа бўлиб қолади-да», -деб жавоб берибди. Шаҳриёрнинг бу жавобидан дадам ҳам, амаким ҳам ҳангуманг бўлиб қолибди.

Нилуфар Маҳмуджон қизи.

*Болажонлар!
Дўстларингизнинг
яхши расм чизиши-
ни кўриб, чиройли
шеърлар ёдлашини
эшитиб, ёқимли
кўшиқлар куйлаши-
ни тинглаб ҳавасин-
гиз келади-а! Беҳ-
тиёр, катта бўлсам...
дея орзулар қиласиз.
Буларнинг ҳаммаси
сизнинг илк орзулар-
рингиздир. Орзулар-
га этишиш учун
аъло ўқишингиз.*



КЎШИҚЛАРИМ ОЛАМНИ ТУТДИ

Кўп меҳнат қилишингиз керак. Меҳнат орқали эса қобилиятингизни намойиш қиласиз.

Бугун сизни ана шундай қобилиятли, иқтидорли жажжи қизалоқ Умида Мажидова билан яқиндан таништирмоқчиман. Умида эндигина 5 ёшга тўлибди. Шунга қарамай бийрон гапириб, кўшиқлар куйларкан. Бу қизалоқнинг туғма қобилиятга эга эканлиги унинг кўшиқ куйлашидан сезилиб турибди. Бунинг сезган Умиданинг дадаси уни мусиқа тўғарагига олиб борибди. Устози Жумадилла Назаров эса чиройли шеърларга куй басталаб берибди. Келинг, яхшиси ўзингиз Умида билан бўлган суҳбатимизни ўқиб кўринг:

-Умида боғчага борасизми?

-Бораман.

-Қайси боғчага борасиз?

-Мен энг яхши боғчага бораман.

Бўкадаги биринчи-и боғчага-да. Боғча опаларим ҳам энг яхши боғча опалар. Улар менга торт, кола, конфетлар беришади. Шунинг учун уларни яхши кўраман.

-Демак, ширинликларни яхши кўраркансиз-да! - дейман унинг бийрон сўзлашидан завқланиб. - Боғчада нималар қиласиз?

-Ўртоқларим билан ўйнайман. Ашулалар айтаман.

-Қандай ашулалар айтасиз?

-Домлам ўргатган ашулаларни айтаман, - дейди Умида ҳозиржавоблик билан.

-Домлангизнинг исмларини биласизми?

-Биламан, Жумадилла ака. Улар менга янги ашулалар ўргатадилар.

-Эски ашулаларингиз ҳам борми?

-Бор. Эски ашулаларимни мен ўртоғим Дилнозага айтиб бераман.

-Янги ашулангизни менга айтиб берасизми?

-Айтиб бераман. Яқинда домлам менга «Алла»ни ўргатдилар. Ушани айтиб бера қолай...

-Майли.

*Дадам, ойим ишдалар, аллаё алла,
Опалар ўқишдалар, аллаё алла.
Тезда улар келишар, аллаё алла,
Ширинликлар беришар, аллаё алла.
Шириним, юзинг лўппи, аллаё алла,
Тинчгина ухла, хўпми, аллаё алла.*

-Умида, ашулангиз жудаям яхши экан. Сизга ҳам алла айтишадими?

-Йўқ, аям менга алла айтмайдилар. «Алла»мни хурсанд бўлиб эшитдилар. Айтиб бўлганимдан кейин дадам ва аям: «Асал қизим, ширин қизим, катта бўлгин»- деб эркалашади.

-Ашула айтиб чарчаб қолмайсизми?

-Йўқ, ашулани кўп айтгим келади. Дадамлар ва аямлар чарчаганларида ашула айтсам, улар чарчоқларини эслигидан чиқариб кўйишади.

-Дадангиз ва аянгизни чарчатмайдиган, яхши қиз экансиз-да. Катта бўлганингизда ким бўлмоқчисиз?

-Юлдуз Усмоновадек бўламан, - деди у қувониб.

Кейин жарангдор овозда «Капалак», «Гулсафсар» кўшиқларини айтиб берди. Умидадаги қобилиятга очиги ҳавасим келди. Умидадаги бу истеъдод тарбияланса катта ютуқларга эришишига ишонаман. Истеъдод эгалари камдан-кам учрайди. Уларга эса алоҳида эътибор қаратиш лозим.

ГУЛЮЗ суҳбатлашди

ҚАЛАМПИР

Интермедия

(Бозор. Стол устида қипқизил қалампир турибди).

Деҳқон бола: (хайқириб) Кеп қолинг, қалампирга,

Пулингиз кетар бирга.

Вақтим тигиз, кетаман, Арзон сотиб кетаман.

Харидор: - Ука, қалампир аччиқми?

Деҳқон бола: - Ким айтди сизга ширин деб? Татиб кўринг, биласиз?

Харидор: (Татигач, базўр чидаб дейди) - Ширин-ку, асал-ку!

Деҳқон бола: (Ажабланиб)- Йўғ-е, ҳеч-да!

Харидор: (Кулиб) - Ўзингиз татинг бўлмаса...

Деҳқон бола: (Шошиб)- Татийман.

Харидор: - Татийман демай, тезроқ татинг...

Деҳқон бола: (Тишлаб)

- Вой, ёлгончи-ей...

Бараварига: - Сув қаерда, су-у-в!

Маҳмуд ВАЛИХОНОВ.

ДАДАНГНИ ЧАҚИР

Толибжон акам кўшни маҳаллага янги иморат солган кунлари эди. Бир зарурат иш билан уйларига бордим. Беш ёшли Турсунбой пешвоз чиқиб, дадаси дам олаётганини айтди. Жияним билан бирин-кетин Толибжон акам дам олаётган уйга кириб бордик. Ҳар бир гапдан ҳангома топувчи акам бизни келаётганимизни сезиб, кўзини тагигача кўрпа тортиб беркиниб олибди. Оппоқ сурпли мато билан бошини танғиб, хуллас, ўзини танитмасликка олиб ётарди. Кўпдан бери уларни қизиқ одатларини билганим учун бир четда жимгина кузатиб турдим. Турсунбой эса дадасига яқинлашди-да, бир менга, бир дадасига кўрқув назари билан қараб кўярди. Охири сабри чидамай, дадасини юзига яқин келиб: «Сиз мени дадам Толибжонмисиз?»- деди. «Номатлум» одамдан «йўқ» деган жавоб қайтди. Турсунбой йиғламсираб: «Унда кимсиз»- деган саволига «кўшнилариңман, бор дадангни чақир»- деди «бояги овоз». Турсунбой эса менга қараб: «Ҳозир, Иқбол ака, дадамни чақириб келаман», деб пилдираб югурганича ташқарига чиқиб кетди. Икки ака-ука бу кулгули манзарадан ўзини тўхтатолмасдик.

Иқболжон ЗОКИРОВ.



Бизга ёзадилар



ОВОЗ

Декabr oyi qator bayramlar bilan o'tdi. Ayniqsa, bu oyda siyosiy jarayon hisoblanmish saylov o'tkazilishini aytmaymizmi?

Bizning tuman saylov kengashining raisi bo'limi, maktabimiz direktori Z. Bahodirov saylovlarning haqiqiy va adolatli o'tishi uchun tinim bilmadilar. Endi oldimizda 9-yanvar kuni o'tkaziladigan Prezident saylovi turibdi, - dedilar ustozimiz va nomzodlar bilan tanishtirdilar. Garchi men ovoz berish huquqiga ega bo'lmasam-da, yurtboshimiz I.A. Karimovga qalban ovoz beraman.

Chunki ularning yurgizayotgan siyosatlari mamlakatimizning ravnaqi va yorqin kelajagini yaqqol ko'zga tashlantirib turibdi.

Ular tufayli maktablar kompyuterlashgan, talaba va o'quvchilar chet ellarga borib, tahsil olib qaytishayapti. Bu esa O'zbekistonimizning butun jahon tan olib, taniyotganidan dalolat beradi.

Nozima SAIDOVA,
Buxoro viloyati,
G'ijduvon tumanidagi
4- maktabning
7-»A» sinf o'quvchisi.

Эрве НЕГР

УНДА МЕН ҚАЁҚДАН БИЛАЙ?...

Жон югурганча уйга кириб деди:
-Ада, эртага ота-оналар мажлиси экан!

-Яна қанақа мажлис, -сўради ота, лекин сўроғига жавоб олмасданўғли ўртоқлари билан ҳовлига футбол ўйнашга чиқиб кетган эди.

-Бормасангиз бўлмайди, шекилли, бу ўқитувчиси ҳаддан ташқари ўғлимизга ёпишиб олганга ўхшайди, -деди Жоннинг онаси.

Эртасига кеч соат олтида Жон ва унинг отаси мактабга кириб келишди.

- Салом, жаноб Рене, - илтифот қилди ўқитувчи. Мен ўғлингиз тўғрисида гаплашиш учун сизни чақиртирган эдим... Жоннинг ўқиши жуда ёмон. Аммо бу ҳаммаси эмас. Бундан ташқари у кўчирмачи ҳам. Масалан, тарих фанидан бўлган контрол ишни ёнидаги боладан кўчириб олган.

- Бўлиши мумкин эмас, -деди ўзини йўқотиб қўйган жаноб Рене.

- Аммо бу факт, ўзингиз бунга амин бўлишингиз мумкин. Мана,

ўша иккита контрол иши. Қаранг, биринчи саволдаги бир хил жавобларга: « Наполеондан кейин тахтага ким ўтирган?» -»Людовик ХУШ»

-Ахир, жаноб ўқитувчи, бу ҳам менинг ўғлимни кўчириб ёзганини исбот қилмайди-ку. Жавоб тўғри. Шунинг учун ҳам иккаласи ҳам бирхил жавоб ёзишган.

- Тўғри, бироқ, иккинчи саволга қаранг: « Наполеон қаерларга сургун қилинган?» Иккаласида ҳам бир хил жавоб: «Ива оролларига».

-Ха...-чўзди жаноб Рене. Лекин болалар тасодифан бир хил затога йўл қўйишган бўлиши мумкин-ку.

- Албатта бўлиши мумкин. Аммо учинчи савол ҳам бор-да, «Наполеон қачон ўлган?» Ўғлингизнинг партадоши «Билмайман» деб ёзган. Ўғлингизнинг жавобини ўқинг. «Унда мен қаёқдан билай?»

Француз тилидан
НАСРИДДИН БОТИР
ўзбекчага ўғирди.

КЕЛИНГ, ТАНИШАЙЛИК!

Mening ismim Nozima. Olmaliqning eng namunali maktabida a'lo baholarga o'qiyman. Algebra, tarix, adabiyot mening eng sevimli fanlarimdir. Bo'sh vaqtlarimni oyijonimga uy yumushlarida yordam berish bilan o'tkazaman. Mana, yaqinda ulardan turli pishiriqlar pishirishni, non yopishni o'rganib oldim. Oilada olti ki8shimiz. Dadajonim haudovchi, oyim bosh hisobchi bo'lib ishlaydilar. Men va singillarim maktabga, ukam

bog'chaga boradi.

Mening istagim - « Tong yulduzi» gazetasi orqali ko'plab do'stlar orttirish. Men boshqa viloyatlarda ham do'stlarim bo'lishini hohlayman. Istardimki, boshqa tengdoshlarim ham menga maktub yo'llashsa...

Keling, tanishaylik, Nozima JO'RAYEVAga deb xat yozing.

Toshkent viloyati
Olmaliq shahridagi 19-maktab
o'quvchisi.

СANAMLAR БАЙРАМИ

Mana, Ayollar yili ham tugadi. Shu munosabat bilan maktabimizda 10 va 11-sinf qizlari o'rtasida « Sanamlar sarvari» mushoirasi bo'lib o'tdi. Mushoiraga xatto ota-onalar ham taklif qilindi. Qizlar qo'yilgan barcha shartlarni to'la-to'kis bajarishib, hay'at a'zolari bergan savolga to'g'ri javob berishdi.

Ushbu mushoirada 11- «A» sinf o'quvchisi Domlayeva Dildora g'olib bo'ldi va maktab direksiyasi tomonidan «Faxriy yorliq» bilan taqdirlandi. Bu mushoira ko'pchilikda katta taassurot qoldirdi.

Shoxida ERGASHEVA,
8- o'rta maktabning
7-»A» sinf o'quvchisi.

Umrni oqar daryo, deyдилar. Yaqindagina jajjigina papkasini ko'tarib maktabga ilk bor qadam qo'ygan jajji bolakaylar mana bugun «Alifbe» bayramini o'tkazishayapti. Xuddi shunday bayramlardan biri A. Ikromov tumanidagi 203-maktabda bo'lib o'tdi. Bu maktabning birinchi sinf o'quvchilari hayotlarida bir marta bo'ladigan bu bayramni o'zgacha xayajon va sevinch bilan o'tkazishdi. Bu sinfning rahbari Nodira To'xtabekova bayramni quvnoq, yanada jozibador bo'lib o'tishi uchun tinmay harakat qildilar. Ularning bu mehnatlari maktab ma'muriyati tomonidan a'lo baholandi.

Biz aminmizki, bu jajji qalb egalari kuni kelib bir kasb egasi bo'ladilar. Yurtimizning yanada gullab-yashnashiga o'z hissalarini qo'shadilar.

АРМОН ТУЛИ

Бу кун мўтабар она
Бағри қонга буркалди.
Тиниқ юздаги кулгу
Ажипларга ўралди.
Кўздан оққан ёши
Дарё каби оқарди.
Беғуноҳ ўғилчаси.
Сезмай мангу ухларди...
Она ўзи ногирон,
Бақариб йиғласайди,
Бийрон сўзласа шу он,
Дод деб нола қилсайди.
Болажоннинг бузисин
Кўргилиги етмасми?
Муштинларлар бахтига
Фарзанд туриб кетмасми?
Ота шўрлик суратдек
Ҳамон ҳайрон боқади,
Қамолiddин, ўғлим, - деб,
Армон гулин тақади...

Шахло МУТАЛОВА.

Yalmog'iz: -Kiimsan?

Abu Xasan: - Bu men? Yalmog'iz buvi? Abu Xasan. -Assalomu alaykum.

Yalmog'iz: -Vaalaykum... Saloming bo'lmasa ikki yamlab bir yutardim. Xo'sh, xizmat?! Abu xasan?

Abu Xasan: - Sizga yangi xabar olib keldim.

Yalmog'iz: - Xo'sh, nima, shu yerdan Qorbobo qimmatbaho sovg'alarni qopga solib o'tirishim? Qorqizni har yili o'g'irlab ketaverishim ham befoyda ish. Bolalar baribir uni qutqarib olaverishadi.

Abu xasan: - Yo'g xaligi...

Yalmog'iz: - Nima haligi? Kimni tunaymiz?

Abu Xasan: - E... Bu tunash emas, boshqa xabar.

Yalmog'iz: - Hm... Qani undog bo'lsa, ortimdan yur-chi, anavi supurgini ko'tar.

Abu Xasan: - Ho'p bo'ladi. (Supurgini ko'tarib, Yalmog'izning ketidan ergashadi)

Abu Xasan: - Buvi, sizda Qorbobo kiyimlaridan bormi?

Yalmog'iz: - Qorbobning kiyimini nima qilasan? E... Qirqaloving ham ahmoqsan. Ana o'sha safar to'qmoqni osmonga ottirib, anqayib

va Alisa ketishayapti)

Alisa: - Biz hamma sirdan voqif bo'ldik.

Bozilya: - Bolalar davrasiga borib olsak bas, u yog'ini o'zing qoyil qilasan.

Alisa: - Ha, tog'ri, ketdik.

Yalmog'iz: - Liboslar muborak bo'lsin.

Abu Xasan: - Qulluq, Buvijon, endi asosiy masalaga o'tsak. Hademay archa bayrami boshlanib qoladi. Qorbobo mendan oldin yetib borsaya...

Yalmog'iz: - E sen nimani ham tushunarding? Bor ko'chaga qara, kimdir krlayapti. (Ko'chada eshakka minib, Nasriddin afandi kelmoqda.

Tom boshida tog'ora ashulasini aytadi)

Afandi: - Bu kimning qasri ekan, nega buncha qo'rqinchli?

Yalmog'iz: - Bu mening qasrim, Keling, mulla Nasriddin...

Afandi: - Yalmog'izni



YANGI YIL SARGUZASHTI

Yalmog'izning qasri. Yalmog'iz eski latta-puttalarini sandiqdan olib o'ziga libos tanlayapti.

Shu payt kimnidir sharpasini sezib, zinadan pastga yuguradi. Ro'parasida qirq qarog'chi ertagidagi Abu Xasan bir ko'zi boylangan, mo'ralab turadi.

Bo'ling tez, chorasini toping, u yerga nimada boraman?

Yalmog'iz: - (O'ylanib qoladi.) Bo'ldi, topdim, mani supurgimda uchib borasan. (Supurgini beradi)

Abu Xasan: - Supurgingiz juda qiltillab qolibdi-ku. Meni ko'tararmikan?

Yalmog'iz: - Bu supurgi naqd ikki tonna yukni ko'taradi.

Abu Xasan: - (o'tiradi) Iye, iye uchib ketyapman. Ketimdan tezroq yetib boring. (Uchib ketadi)

Yalmog'iz: - Bayramga sal chiroyliroq bo'lib boray. Tarog'im qarda qoldiykan-a? (Tepada turgan ilon haykaliga qarab gapiradi) - Yovuz do'stim Kekki. Men bir umrlik orzuimga yetadigan bo'ldim. Meni yaqinda tanimay qolasan. Xa-Xa-Xa-Xa...

Hoy, hasharotlar, menga yo'l beringlar.

Shaytoncha: - Ha, Yalmog'iz xola, tinchlikmi?

Yalmog'iz: - Ha, tinchlik, seni nima ishing bor? Voy, voy, esim qursin...

Shaytoncha: - Nima qildi? D o s h i n g i z og'riyaptimi?

Yalmog'iz: - Supurgimdan ajrab qoldim...

Shaytoncha: - Hozir men supurgi topib kelaman. (Oddiy supurgi uzatadi)

Mana, buni minib ko'ring-chi.

Yalmog'iz: - Cho'.. Cho'... E sabil q o l s i n , uchmaydigan ekan.

Shaytoncha: - Nega yangi supurgi edi-yu...

mehmondo'stligini birinchi marta ko'rishim.

Yalmog'iz: - Yo'l bo'lsin, Afandim?

Afandi: - Archa bayramiga ketayapman.

Yalmog'iz: - Meniyam olib borasizmi?

Afandi: - Iye, bolalar bu kim, desa, men nima deyman?

Yalmog'iz: - Nima derdingiz, Yalmog'iz buvingiz, deysiz.

Afandi: - To'g'riku-ya...

Yalmog'iz: - Nima deb o'ylayotganingizni bildim. Men yovuzlik qilmayman, deb so'z bersam-chi?

Afandi: - Unday bo'lsa olib ketaman.

Yalmog'iz: - Biroz kutib turing. Yalmog'iz ichkaridan sochini tarab chiqadi. Afandining eshagiga minib jo'naydi. (Archa bayrami, bolalarning kulgusi eshitiladi)

Boshlovchi:

- Bolalar, kelinglar, Qorboboni chaqiramiz.

Bolalar: - Q o r b o b o , Qorbobo...

Abu Xasan: - Salom, o'g'il qizlarim, mening yulduzlarim!

Bolalar: - Salom!

Abu Xasan: - Sizlarga sovg'a-salomlar olib keldim.

Bolalar: - Raxmat.

Abu Xasan: - Mana, yangi yil ham kirib keldi. Kim aytadi, bu qanday yil?

Санобар КОДИРОВА

(Bozilya va Alisa kirib kelishadi)

Alisa: - Ikkichilar, dangasalar va...

Bazilya: - Uyquchilar yili bu! Bolalar: - Yo'q!

Alisa: - To'g'rimi, qorbobo?

Abu Xasan: - To'g'ri. Bu yil kim ko'p ikki oldi? O'shanga sovg'a beramiz.

Alisa: - Bazilya, avval qorboboni qopini tinchitish kerak.

Bazilya: - Hozircha shoshmay tur.

Abu Xasan: - Iye, kimdir kelyaptimi?

Afandi: - Bu men, Nasriddin Afandi.

Yalmog'iz: - Bu men, Yalmog'iz.

Afandi: - Salom, bolalar.

Bolalar: - Salom!

Bazilya: - Qorbobo, bizga sovg'a bering.

Alisa: - Qani, qopni ol. (Bazilya qopni olib qochadi va suvga otadilar, suvda Tortello xola va qurbaqalar bor)

Abu Xasan: - Tortello xola, qopni bu yoqqa oling.

Alisa: - Qorboboga emas, bizga bering.

Tortello: - Qopni hech kimga berma.

Abu Xasan: - Bermasangiz



o'tirishlaringni qara.

Abu Xasan: - Bu safar yangi gap topib keldim. Maslahatingizni ayamasangiz bo'lardi. Yangi yil tomoshasida siz ham qatnashar edingiz.

Yalmog'iz: - Xo'sh, gapirchi...

Abu Xasan: - Bolalar qorboboga sehrli to'n sovg'a qilishmoqchi emish...

Yalmog'iz: - Sehrli to'n... Agar uni qo'lga kiritsam, bir umrlik orzuim to'pibga chiqardi.

Abu Xasan: - Sizdayam orzu bormi?

Yalmog'iz: - Men bir umr 18 yashar qiz bo'lib qolishni orzu qilib keldim. Maslahat bersam, uddalay olasanmi, o'zi?

(Shu payt Bozilya bilan Alisa eshik orqasidan quloq solib turishadi)


Sehrli to'nni olishni birdan-bir yo'li sen qorbobodan oldin bolalar davrasiga Qorbobo bo'lib borasan.

Abu Xasan: - Aqlingizga qoyilman. Ko'nglimdagi gapni topdingiz. Qani, bo'laqoling, sandiqni oching.

(Yalmog'iz chang lattani sandiqdan olib qoqadi. Shu payt Bozilya mushuk aksa urib yuboradi)

Yalmog'iz: - Kim u?

(Yugurib chiqsalar, hech kim yo'q. Tashqarida devorga suyanib Bozilya



bermang, qop sizga bo'laqolsin. Menga atagan sovg'angiznu bersangiz bo'ldi.

Haligi sehrli to'nni.

Boshlovchi: - Bolalar, sehrli to'nni qorboboga beramizmi?

Bolalar: - Yo'q.

Tortello: - To'g'ri qilasiz.

Alisa: - Bolalar, o'sha sehrli to'nni bizga bersangiz, bitta to'ndan 10 ta to'n o'sadigan dalaga olib boramiz.

Tortello: - Yaxshisi, men sizga bir sirni aytay...

Bolalar: - Ayting, ayting.

Tortello: - Sizlar qorbobo deb o'ylayotgan bu kishi 40 qarog'chining boshlig'i Abu Xasan bo'ladi. - Abu Xasan, mana, tosh to'ldirib olgan qopingni ol, sehrli to'nni qo'lga kirita olmaysan. Bolalar, qorboboni chaqiringlar.

Yalmog'iz: - Bu haqiqiy qorbobo, sehrli to'nni yaxshisi menga beringlar.

Afandi: - Sehrli to'nni yalmog'isga berasizmi?


Bolalar: - Yo'q!

Afandi: - Kelinglar, qorboboni chaqiramiz.

Bolalar: - Qorbobo, qorbobo! (Haqiqiy qorbobo kirib keladi. Yovuz kuchlar qo'rqib qochib ketadilar)

Qorbobo: - Salom, o'g'il-qizlarim,

Mening oy-yulduzlarim. (O'yin-kulgi davom etadi.)



«Зирапча»

Кутиси

«ЎЧДИ ЧИРОҚ, ЁНДИ ЧИРОҚ» УЙИНИ

Кулга олиб қаламча,
Хат ёзаянман, Зирапча.
Шошиб ёздим, кечиргин,
Ахир ҳозир кечқурун.
Ток бўлса ёнгай чироқ,
Узиб қўйишган бироқ...

«Ие, туппа-тузук ёниб турган чироқни ҳам узиб кетишар эканми?», дейсан-да.

Ҳозир сенга ҳаммасини айтиб бераман. Аслида бунга ток ўлчагич - счётчикнинг бузилиб қолгани сабаб бўлди. Дадамлар эски уйимизни бузаётиб, тўсинини бехосдан тушириб юбордилар. Тўсин ток ўлчагич устига қулади. Ток ўлчагични текширгани келган Абдуманноп амаки «Уни атайлаб узгансизлар!» деб, акт туздида, томда лойсувоқ қилаётган дадамларга қўл қўйдириб олди.

Шундан бери электр идорасидагилар «Ўчди чироқ, ёнди чироқ» уйинини бошлаб юбордилар. Катталар ёш боланинг уйинини қилишса, галати бўлар экан. Дадамлар уйдаги ишларини ташлаб, икки йилдан бери овораю-сарсон бўлдилар. Бизга эса жуда катта жарима солишибди- нақд етти минг сўм. Бир амаллаб дадам чироқни улатдилар. Орадан бир ҳафта ўтмай, эски уйинларини яна бошлашди. Аямлар сабабини суриштирсалар, тўланган жарима ҳақи «болалаб» 12.000 га чиқиб кетибди.

«Ҳа, соддадил дадам-а, ўшанда нафси хакалак отиб турган амакижонимизга минг сўм бермас-мидингиз? Шунда чироғимиз эмас, амакининг овози ўчар эди», - дейман ҳозир.

Шунча қийинчиликларга қарамай, зиёкор амакиларга «рахмат»!

«Зирапча!» Сенга кўнглимдаги дардимни айтдим. Фақат бир нарса мени ўйлантираяпти. Шу мактубимдан кейин уйимизда ва кўнглимизда чироқ ёнармикин?

Салом билан, Кўқон шаҳар,
Шерқадам кўчаси
8-хонадонда яшовчи
муҳлисинг САИДА.

Бир шингил боғдан, бир шингил тоғдан



ОЗИН ДАСТУРАҲОН

Гўшт ҳидланган бўлса ёки морласа, ёхуд янги гўштни сиртига чанг ёпишган бўлса оч пушти рангли марганцовка суви билан ювиб, сўнг совуқ сувда чайқасангиз тозаланади.

Қийманинг тузи расо бўлиши учун бир килограмм гўштга бир ош қошиқ тузни намакоп қилиб қўшинг.

Тозаланадиган балиқни иссиқ сувга ботириб олсангиз, тангачалари осонлик билан кўпаяди.

Бодринг, редиска, памидор ва янги сабзини арчимай истеъмол қилинса, тез ҳазм бўлади.

Сўлиб қолган кўк пиёз, кашнич, укропни сиркали сувга ботириб қўйсангиз «тирилиб» кетади.

Гўштни совуқ сувга солиб, аста-секин қайнатиб пиширсангиз, шўрваси ширин бўлади. Агар гўштдаги моддалар кўпроқ сақланиб қолсин десангиз, уни шақиллаб қайнаб турган сувга солиб ёки қовуриб пишинг.



Ёқа, энг учи ва кийим-кечакнинг бошқа ёғ босган жойлари, шунингдек мебель қопламасидаги ёғ босган жойлар куюқ чой ёки махорка қайнатмаси билан артиб тозаланади.

Оқ нарсаларга тўкилган сиёҳ доғини лимон шарбати билан тозалаш мумкин.

Дераза ойнасини майдаланган бўр ёки ярим стакан сувга 2 қисм тиш порошоги солиб арсангиз, ялтираб кетади. Бунинг учун аралашмани латта билан ойнага

суртиб, қуригандан сўнг юмшоқ гижимланган қоғоз билан артинг.

Қулоқ оғриганда кўпинча борот кислотаси буюрилади. Шундай бўлса ҳам ўрнига алоэ ишлатинг. Алоэ оғриқни тез қолдиради ва шамоллашни бартараф қилади.

Агар совуқда кўзларингиз қизарса, мойчечак дамламасида компресс қилинг. Бир ошқошиқ мойчечак ярим литр иссиқ сувда дамланади, пахтани унга хўллаб кўзга босилади ва 15 дақиқа ушланади. Бу муолажани бир неча бор такрорланг.

Агар клеёнкада сиёҳ доғи бўлса, хўллаб устига тиш порошоги сепинг. Сўнг артиб ташланг.

«MAVI» Ўзбек-швейцария қўшма корхонаси

Денгиз қисқичоқлари

Пармелла, кўй, мол, шўрваси

Табиғат ва майлингизга қараб зиравор солинади.

Атиги 2 дақиқала

DANDY



ТЕЛ: 672677
ФАКС: 685767

Quickly and Tasty

QADIMY LAHIFALAR

- O'g'lim, kun juda ham isib ketdi. Bu issiqda odam emas, temir ham erib ketadi-ya.

- To'g'ri aytasiz, otajon, kecha menga bir so'mlik tanga bergan edingiz-ku, qarasam, erib-erib o'n tiyinlik bo'lib qolibdi.

* * *

- Ahmad, ayt-chi, bir kun necha soat bo'ladi?

- 25 soat bo'ladi.

- 25? Bu nima deganing?

- Axir, kecha o'singiz kunlar bir soat uzaydi, degan edingiz-ku.

Билафон болалар диққатига!

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билафон ва топафонлигингни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: Билимли бўлинг. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса сезгир ва зукко билимлилар безар!

Сизнинг «Тонг юлдузи» нгиз.

QADIMY LAHIFALAR

Mahmadona va safsata sotuvchi shoirlardan biri Abdurahmon Jomiy huzuriga kelib maqtandi:

- Kecha tushimda Xizr payg'ambar og'zinga muborak tufugidan tufladi.

Jomiy unga shunday javob berdi:

- Yanglish aytasan, Xizr payg'ambar sening betingga tufurgan, og'zingni ochib turganing uchun og'zingga ham tushgan bo'lsa kerak.

* * *

Bahlul devona xurmo sotib olib, danagi bilan yutib yuboradi. Undan:



- Nega danagini yutib yuborasan? - deb so'lashdi.

Bahlul aytdi:

- Axir menga xurmoni danagi bilan sotishadi.



Shohruh Karimbekov tayyorladi.

БИЗНИНГ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТР



**Шолғом,
сабзи, гугурт
чўпидан
бунёд бўлган
театиримиз
қахрамонлари**

Эски пайпоқ ёрдамида ўйланг



**Биз ясаган қўғирчоқнинг боши ёғочдан,
сочлари жунг ёки пахтадан, юзлари эса
лавлаги ва пиёз пўсти билан ороланган,
кўзлари тугмачадан... Уни гапиртириш,
томошабинларга яхши ёки ёмон кўрсатиш
эса сиз азиз болажонлардан.**

Ниқоблар намунаси

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Биз ўртоқмиз, иноқмиз
Жирафа-ю фил билан.
Лек, бир хатга муштоқмиз
«2»чи Ҳосил билан.
Эсладик боғчамизни,
Сакрадик- кўш такамиз.
Лекин, бошмоқчамизни,
Боглаб берар акамиз.
Қор йўқ, ағанаб лойга,
Биз дўқ ҳам урдик ойга.
Ким кўп «2» олар деб,
Иккимиз кўйдик «пойга».
Мактабимиз йўлида
Ўйин, «улоқ» ларимиз.
Муаллимнинг кўлида
«Пишар» кулоқларимиз.
Биз барибир қувнаймиз
Жирафа-ю фил билан
Сизни эса қутлаймиз
Дўстлар, Янги йил билан.

**ОНА ЎРГИМЧАКНИНГ
ЎГИТИ**

Супургига илиниб
Отанг кетди, ботирим.
Энди сен эҳтиёт бўл,
Оширма хавотирим.

Замона чигал бўлди,
Ғалтак мойлаб кўйилган.
Калаванинг учига
Болта бойлаб кўйилган.

**КЎЙНИНГ ЙЎҚЛОВИ**

Мен ғалла излаб юрсам,
Ялла қилган кўзим-а.
Шохини бошга ўраб
Салла қилган кўзим-а.

Зар тўни ола бўлган,
Малла бўлган кўзим-а.
Сўнг лаганда тиржайган
Қалла бўлган кўзим-а.

**КЕЧИККАН ПИЛЛА
ҚУРТИ**

Тут бобонинг барги ҳам,
Айниб кетди, жўралар.
Ғапимга кулоқ солинг,
Ғумбаклардан мўралаб.

Қутқазмасак бўлмайди
Бобомизни хатардан.
Чирик жойин банд этган
Текинтомоқ қуртлардан.


ҚУРТ ВА ЧУМОЛИ

Қурт:

-Сенга ҳавасим
келади-да,
сира чарчамайсан, чамаси.

Чумоли:

-Ҳавасинг келгани
яхшику-я,
йўлимда ётганинг нимаси?



Менинг қадрдон укажонларим,
жианларим, сингилжонларим,
қақажонларим...

Янги йилингиз муборак бўлсин.
Дарвоқе, шоира, газетангиз
«Тонг юлдузи» нинг бош муҳарри-
ри Умида опангиз ўтган ҳафта: «Бир
тоғалик қилиб, жианларингизни
янги йил билан табриклаб қўймай-
сизми?»- деб қолдилар.

-Хўп,- дедим мен,- лекин...
- «Лекин»иниям ўзингиз тушуни-
тириб берасиз...
- Хўп,- дедим мен яна,- қўлдан
келганча...

Хуллас, азиз болажонлар биз
янги йил деб, ҳар йили нишонлай-
диганимиз- бу маърака, аслида Пай-
гамбар Исо алайҳиссалом таваллу-
ди билан боғлиқ байрамдир.

Шунинг учун ҳам насеронийлар
(христианлар) бу байрамни «Роже-
дество», деб атайдилар. Турли тари-
хий қутқулар оқибатида мелодий
йил ҳисобида, қарийб икки ҳафта-
лик рақам силжиши рўй берган. Шу

боис ҳам, насеронийлар бу санани 12
кун кечикиб нишонлайдилар.


Тарих- бу.

Тарихдан юз ўгиролмаймиз...

Россия аталган улуг мамлакат би-
лан кўп йиллик «ака-ука»чилигимиз
оқибатида бу байрам бизда ҳам кенг
нишонланадиган бўлган. Йиллар сил-
силасида бу байрамнинг диний маро-
сим эканлиги «унутилди». Унинг
«Янги йил» жиҳати кенгроқ қамров-
га эга бўлиб қолди, назаримизда. Бо-
рингки, биз ҳам шу санани ҳозирча
янги йил сифатида байрам қилаётган
эканмиз... Янги йилингиз муборак
бўлсин.

Ҳа, айтганча бир неча кун-
дан сўнг хайит. Рамазон хайи-
ти. Сизларни бу байрам билан
ҳам (олдиндан) чин кўнгилдан
муборакбод этаман.

Яҳё ТОҒА

**БЎРИ ВА ТУЛКИ
ҒИЙБАТИ**

-Ит деганда ҳайронман,
Асли бизга қариндош.

-Одамларга кўшилиб
Бўлиб қолди сал юввош.

-Бе, тунов кун жианним
Борса, роса хурибди.

-Занжирни мукофот, деб,
Суяк ғажиб юрибди.

**ТУЛКИГА МАСЛАҲАТ**

Тулкивой бу қарғалар анойи эмас.
Мақтаганинг билан ийна ҳам
бермас.
Крилов бобонинг масали бекор.
Сен яхшиси, товукларга бор.
Боргин-да, сёкин
катакнинг ортига бекин.
Уларда пишлоқ йўқ, лекин,
тухумлари... текин.

МЕҲНАТ ҲАҚИДА

Меҳнатнинг таги роҳат,
Асалари бўлмасанг фақат.
Меҳнатнинг таги роҳат,
Эшшак бўлмасанг фақат.

Агарда ҳўкиз бўлсанг,
Меҳнатнинг таги роҳат.

Эганг...
Қассоб
бўлмаса
фақат.



Ўзбекистон болалари
ва ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
КЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ,

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусхада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ,
Буюртма - К-7619
Газетани PENTIUM-II
тпх компьютерида
Абдуҳамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34